

Етказиб бериш шартномаси № 02

«28» январь 2022 йил

Андижон шаҳар

Бизлар ким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «MADAD 2020» хусусий корхонаси номидан К.Раҳматуллаев келгусида (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) ва иккинчи томондан Вилоят Болалар уйи номидан ўз низоми асосида иш олиб борувчи раҳбар Д.Б.Саттарова келгусида (кейинги ўринларда «ташкилот» ёки «харидор») деб юритилиб, қуйидаги мазмунда шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

- 1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озик-овқат маҳсулотини муддатида «Ташкилот»га етказиб бериш, «Ташкилот» эса маҳсулотларни қабул қилиб олишни ва пулини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2 Маҳсулотлар таннари, миқдори, сифати ва баҳоси қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий сумма
1	Мол гўшти	Кг	99	65 000,00	6 435 000,00
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
	Жами				6 435 000,00

Жами: 6 435 000,00 (олти миллион тўрт юз ўттиз беш минг) сўм 00 тийин.

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ:

- 2.1 «Таъминотчи» таъминотни фақатгина «Ташкилот» буюртмасини олгандан сўнг амалга оширади, маҳсулотни буюртма олгандан сўнг 3 кун муддат ичида белгиланган ҳажмда амалга оширади.
- 2.2 «Таъминотчи» маҳсулотни «Ташкилот»нинг қуйидаги манзилига автомобиль транспорти орқали етказиб беради. Етказиб бериш манзили: Андижон шаҳар Ўзбекистон кўчаси №202-уй.
- 2.3 Маҳсулотлар «Ташкилот»нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сўнг, маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га ўтади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

- 3.1 «Ташкилот» маҳсулот етказиб берилиши белгиланган вақтга қадар 1 кун муддат ичида «Таъминотчи»га маҳсулот учун буюртмани қуйидагиларни кўрсатган ҳолда такдим этади:
 - Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотлар миқдори; маҳсулот сифати; маҳсулот ассортименти;
- 3.2 Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотнинг ассортименти миқдори ҳамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қуйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.
- 3.3 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар етказиб берилмай қолганда, етказиб берилмаган миқдордаги маҳсулотни 1 кун муддат ичида ёки «Ташкилот» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган маҳсулотларни «Ташкилот» оғохлантирилган ҳолда қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.
- 3.5 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик ҳолатларида «Ташкилот» қуйидаги талабларни қуйиш ҳуқуқига эга.
 - Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз маҳсулотлар қиймати билан сифатли маҳсулотлар қиймати ўртасидаги фарқ)га камайтириш
 - Сифатсиз маҳсулотларни, «Таъминотчи» ҳисобидан сифатли маҳсулотларга 1(бир) кун муддатда алмаштириб беради;
 - Сифатсиз маҳсулотларни «Ташкилот» томонидан ўз маблағлари эвазига, ярқлисини ажратишга уни тозалашга ва маҳсулотни ярқли холга келтириш учун бошқа харажатларни тулаш;
- 3.6 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган миқдордаги маҳсулотни етказиб бермасе ёки «Ташкилот»нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш ҳақидаги талабларини бажармасе белгиланган тартибда қўшимча келишувга асосан бекор қилиниши мумкин.

4. МАҲСУЛОТЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

- 4.1 Шартноманинг умумий қиймати: **6 435 000,00 (олти миллион тўрт юз ўттиз беш минг) сўм 00 тийинни** ташкил этади.
- 4.2 Олинган озик-овқат маҳсулотлар учун тўловлар «Ташкилот» бюджет ҳисоб рақамидан **6 435 000,00 (олти миллион тўрт юз ўттиз беш минг) сўм 00 тийин** маблағни пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
- 4.3 Ҳисоб-китоб «Ташкилот» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.